

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Тиб.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЖАББОРОВА ФЕРУЗА УЗОКОВНА**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ  
ҚАВАТИ МАҲАЛЛИЙ ИММУНИТЕТИНИНГ АДАПТИВ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.21 - Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Жабборова Феруза Узоковна**

Коронавирус инфекциясида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати маҳаллий  
иммунитетининг адаптив механизмлари ..... 3

**Жабборова Феруза Узоковна**

Адаптационный механизм местного иммунитета в слизистой оболочке  
полости рта при коронавирусной инфекции..... 25

**Zhabborova Feruza Uzokovna**

Adaptation mechanism of local immunity in the oral mucosa in coronavirus  
infection ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЖАББОРОВА ФЕРУЗА УЗОКОВНА**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ  
ҚАВАТИ МАҲАЛЛИЙ ИММУНИТЕТИНИНГ АДАПТИВ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.21 - Стоматология

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib2015 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Исмаилова Адолат Абдурахимовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шийонов Амрилло Шодиевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камиллов Хайдар Пазилович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Кубан Давлат Тиббиёт Университети  
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.04.2022. Tib 93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» сентябр соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1 уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Web sayt: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 010 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50, Web sayt: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» август кунни тарқатилган.  
(2022 йил «30» август даги 2 рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Бугунги кунда бутун дунё янги коронавирус касаллиги - COVID-19 сабабли пандемия шароитида яшамокда. 2019 йил декабр ойида бошланган COVID-19 пандемияси ўн млн. дан ортиқ одамнинг касалланишига сабаб бўлди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертлари маълумотларига кўра, «... COVID-19 аксарият ҳолларда енгил (80%), 20% ҳолатда эса оғир кечиб, уларда муайян оғир асоратларни келтириб чиқаради...»<sup>1</sup>. Маълумотларга кўра, 5% ҳолларда пневмония ёки ўткир респиратор дистресс-синдроми вужудга келиши мумкин. Ўпка хасталанишига олиб келувчи пневмония COVID-19 нинг асосий паталогик белгиси ҳисобланади. COVID-19 билан боғлиқ бир қатор орал симптомлар - таъм билиш бузилиши, оғиз бўшлиғида ғайритабiiй яралар пайдо бўлиши, дескваматив гингивит, петехия ва кандидоз каби коинфекциялар билан зарарланиш ҳам кузатилиши мумкин. Шу сабабдан, COVID-19 нинг ўрта ва юқори оғирликдаги кўринишлари билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғида шиллик қават шикастланиши каби симптомларни аниқлаш долзарблигича қолмокда.

Жаҳонда бугунги кунда, коронавирус инфекциясини ташхис қилиш, даволаш ва касалликдан сўнгги реабилитация даврини ташкиллаштириш ҳамда касалликка қарши вакцинани ишлаб чиқиш, унинг синовларини ўтказиш билан боғлиқ кўплаб илмий-клиник тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Бундан ташқари, оғиз бўшлиғининг ҳолати ва ундаги паталогияларнинг оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетини билан боғлиқлигига қаратилган илмий ишлар ҳам мавжуд. Тадқиқотлар натижаларига кўра, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг COVID-19 билан касалланганда шикастланиши ҳар хил клиник сифат кўрсаткичларига: турли локация, ўлчам, ранг ва миқдорга эга бўлади. Касалларда турли яралар, яллиғланишлар, эрозиялар, доғларнинг пайдо бўлиши кузатилган. Бироқ, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг COVID-19 касаллиги давомидаги маҳаллий иммунитет адаптацион механизмининг таҳлиliga қаратилган илмий-тадқиқот ишлари ҳанузгача жуда кам.

Мамлакатимизда COVID-19 ни даволаш оғир кечаётганида оғиз бўшлиғи иммунитетининг адаптацион механизминини ўрганишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Бунда касаллик кечишининг клиник-иммунологик қонуниятларини ўрганишда замонавий стоматологик технологиялардан фойдаланилади, бу орқали, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифати ва самарадорлиги оширилади. Хусусан, «... тиббий хизматлар сифат ва самарадорлигини ошириш, тиббий стандартизация тизимини жорий қилиш, замонавий ташхис ва даволаш усулларини қўллаш, патронаж ва диспансер шароитида тиббий фаолият юртишининг самарали моделларини тузиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-

<sup>1</sup>World Health Organization. 2020a. Coronavirus disease (COVID-19) advice for the public [accessed 2020 Aug 19]. <https://www.who.int/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/advice-for-public>.



қувватлаш ва касалликлар профилактикасини ташкиллаштириш»<sup>2</sup> бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда муҳим масалалардан бири ўрта ва оғир даражадаги COVID-19 билан касалланганларда касаллика хос бўлган оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланишининг клиник динамикасини баҳолаш ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони, 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитария-эпидемиологик тизими ва аҳоли саломатлигини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПФ-4649-сонли «Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коронавирус ангиотензинни ўзгартирадиган фермент 2 рецепторлари (ACE2) орқали инсон хужайраларига киради. Оғир ва ўткир респиратор синдромни юзага чиқарувчи SARS-CoV-2 учун сезгир ва хавfli аъзолар аниқланди (WHO, 2020; Capocasale G. et al., 2021). ACE2 рецепторлари тақсимланадиган хужайралар вирус учун хўжайин хужайраларига айланиши ва тил шиллиқ қавати ва сўлак безлари каби аъзо ва тўқималарда яллиғланиш реакциясини келтириб чиқариши мумкин. SARS-CoV-2 нинг ACE2 рецепторлари билан ўзаро таъсири таъм билиш рецепторларининг сезгирлигини ёмонлаштириши, бу эса дисфункционал таъм билиш реакцияларига олиб келиши мумкин (Облокулов А.Р. ва ҳаммуал., 2020; Никифоров В.В. ва ҳаммуал., 2020; Dominguez-Santas M. et al., 2020).

Тадқиқотлар шуни исботладики, COVID-19 қарияларда, гипертония ва қандли диабет каби касалликларга чалинган беморларда, шунингдек иммунитетни пасайган одамларда оғирлик ва ўлим даражаси юқорилиги билан тавсифланади. Пандемия аҳоли саломатлигига жиддий таҳдид солиши билан бир қаторда, ижтимоий ҳаётга ва жаҳон иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди (Туйчиев Л.Н. ва ҳаммуал., 2020; Белоцерковская Ю.Г. ва ҳаммуал., 2020; Halepas S. et al., 2021).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармони.

Оғиз бўшлигида учрайдиган асосий симптомлар бу таъм бузилиши ва оғиз бўшлиги шиллик қаватининг (ОБШҚ) зарарланиши эканлиги аниқланди. Таъм бузилишларига иккиламчи натижалар сифатида турли хил касалликларнинг устунлиги (дисгевзия, гипогевзия ва агевзия), шунингдек таъм бузилиши ва COVID-19 позитивлиги ўртасидаги ассоциациялар, касаллик оғирлик даражаси ва беморларнинг жинси кабиларни ўз ичига олди (Бекжанова О.Е. ва ҳаммуал., 2021; Brandini D.A. et al., 2021).

Тадқиқотчилар коронавирус инфекциясида стоматологик ёрдамни ташкил этиш, COVID-19 ни бошдан кечирган беморларда ОБШҚ касалликларининг клиник кўринишлари, шунингдек уларни даволаш каби масалаларни ҳал қилиш тўғрисида бир қанча изланишлар олиб боришган (Монак Т.Е. ва ҳаммуал., 2020; Македонова Ю.А. ва ҳаммуал., 2021; Amorim Dos Santos J. et al., 2021)

Маълумки, ОБШҚ иммун тизими инфекциядан ҳимоя қилиш учун ривожланган бутун иммунитет тизимининг энг катта таркибий қисмидир (Арипова Т.У. ва ҳаммуал., 2017).

SARS-CoV-2 дастлаб юқори нафас йўлларида таъсир қилганлиги сабабли, унинг иммун тизими билан биринчи ўзаро таъсири индуктив ва эффектор жавоб фазаларида нафас йўлларининг шиллик қавати юзаларида содир бўлади. Бироқ, COVID-19 иммунитетига бағишланган аксарият тадқиқотлар кон антитаначалари ва тизимли хужайравий иммунитетни, шу жумладан туғма иммун жавобларни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган (Maciel P.P. et al., 2020; Pellegrino R. et al., 2020).

Тадқиқотлар шуни исботладики, ОБШҚ маҳаллий иммунитетни, шунингдек секретор IgA антитаначалари COVID-19 да муҳим рол ўйнайди ва буни, хусусан, аксарият ҳолларда учрайдиган симптомсиз ва енгил инфекция шароитларини тушуниш учун муҳимдир (Chen N. et al., 2020). Бундан ташқари, шиллик қават иммунитетидан диагностика, терапевтик ёки профилактика мақсадида фойдаланиш мумкин.

Шу муносабат билан, COVID-19 глобал миқёсидаги муаммо бўлганлиги ва ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан муаммонинг тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли, коронавирус инфекциясида ОБШҚ да маҳаллий иммунитетнинг адаптив механизмини ўрганиш ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**

Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2021 PhD.117) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» илмий-тадқиқот режаси асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** коронавирус инфекциясининг (COVID-19) клиник ва иммунологик хусусиятларига қараб, унинг оғир ҳолда кечишида

оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетни адаптив механизмини ўрганиш ва баҳолашдан иборат бўлган.

**Тадқиқот вазифалари:**

COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган шахсларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланишининг характерли хусусиятларини аниқлаш билан оғиз бўшлиғининг клиник ўзгаришларини ўрганиш ва баҳолаш;

COVID-19 касаллиги билан касалланган беморларнинг касалланиш даражасига қараб, оғиз булиғи маҳаллий иммунитетни асосий гуморал ва вирусга қарши омилларини аниқлаш;

COVID-19 нинг ўртача ва оғир даражаси билан касалланган одамларда яллиғланишнинг адаптив тизимли иммунологик омилларини ўрганиш;

COVID-19 нинг ўртача ва оғир даражаси билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланишининг муҳим клиник ва иммунологик омилларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида COVID-19 ташхиси тасдиқланган, Тошкент туман 2-сон COVID-19 касаллигини даволашга ихтисослаштирилган шифохонага мурожаат қилган 96 нафар беморлар бўлган. Назорат гуруҳи 22 соғлом кишидан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг предмети** COVID-19 ўрта ва оғир даражаси билан касалланган ҳамда COVID-19 аниқланмаган назорат гуруҳида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолати, шунингдек оғиз бўшлиғи маҳаллий химоя омиллари ҳолатини аниқлаш бўлган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида стоматологик, иммунологик, клиник, функционал ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган одамларда оғиз бўшлиғининг клиник ўзгаришларни баҳолаш натижасида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланишининг таъм ва ҳид сезгирлигининг бузилиши, тил папиллалари атрофияси, тилнинг учи ва орқа тарафидаги ёриқлар ва гиперемия каби характерли хусусиятлари аниқланган;

COVID-19 касаллигининг оғир даражаси билан касалланган одамларда асосий интерферонлар - ИФН- $\alpha$  ва ИФН- $\gamma$  нинг сезиларли пасайиши оғиз бўшлиғининг маҳаллий вирусга қарши химояси шаклланишининг сусайишини аке эттириши аниқланган;

COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган шахслар оғиз бўшлиғида ИЛ-1 $\beta$  ва ЎНО- $\alpha$  микдорининг кўпайиши, организмнинг яллиғланишни қўлловчи потенциали ошишини ҳамда яллиғланиш жараёни кечишини аке эттириши аниқланган;

илк бор COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган беморларда ИФН- $\alpha$  цитокиннинг пасайиши ва ИЛ-1 $\beta$ , ЎНО- $\alpha$  цитокинларнинг кўпайиши билан тавсифланадиган стоматологик



зарарланишлар истиқболини белгиловчи иммунологик мезонлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 касаллиги билан касаланган беморларни даволаш учун муҳим бўлган ушбу патологиянинг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касаланган одамларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати шикастланишининг характерли хусусиятларини аниқланиш баробарида оғиз бўшлиғи клиник ўзгаришлари ўрганилган ва баҳоланган;

COVID-19 нинг оғир даражаси билан касалланган беморларда тизимли ва маҳаллий иммунитетнинг вирусга қарши потенциали асосий интерферонлари - ИФН- $\alpha$  и ИФН- $\gamma$ , шунингдек, IgA ни ўрганиш орқали баҳоланган. беморларда оғиз бўшлиғида ушбу иммуноглобулини синфининг камайиши аниқланган, бу эса беморларда гуморал иммунитет ҳолатини баҳолашга имкон берган;

COVID-19 нинг оғир даражаси билан касалланган одамларда вирусга қарши ҳимояни шакллантириш учун масъул бўлган асосий интерферонлар камайиши аниқланган. Бу эса, ушбу тоифадаги беморларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати шикастланиши салбий прогнозининг белгиси бўлиб хизмат қилган;

COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касаланган беморларда маҳаллий иммунитетнинг бузилиши билан оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг шикастланиш хавфи ИЛ-1 $\beta$  ва ЎНО- $\alpha$  цитокинларининг юқори қийматларини аниқлаш орқали аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташҳислаш усулларининг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, иммунологик, стоматологик ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологиялар ёрдамида ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва ҳорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган. Тадқиқот усуллари натижалари текширилган беморлар сони етарлилиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касаланган одамларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати шикастланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланганлиги, оғиз бўшлиғидаги клиник ўзгаришлар аниқланганлиги, COVID-19 касаллигининг оғир даражаси билан касаланган одамларда асосий интерферонлар - ИФН- $\alpha$  ва ИФН- $\gamma$  нинг сезиларли пасайиши аниқланлиги, бу эса оғиз бўшлиғининг маҳаллий вирусга қарши ҳимояси шаклланиши сулашишида акс этгани, оғиз бўшлиғида ИЛ-1 $\beta$  и ЎНО- $\alpha$  микдорлари кўпайиши, организмнинг

яллигланишни қўлловчи потенциали ошганлиги ҳамда яллигланиш жараёни кечишини акс эттирганлиги, илк бор оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланиши истикболни белгилайдиган иммунологик мезонлар ишлаб чиқилганлиги, бу оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати шикастланишларини эрта ташхислаш, зарур терапияни қўллаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий моҳияти COVID-19 билан касалланган, касаллик ўрта оғир ва ўта оғир кечаётган ҳолларда беморларнинг оғиз бўшлиғидаги клиник ўзгаришларга баҳо берилганлиги, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги хос шикастланишларни аниқлаш жараёни тавфифланлиги, COVID-19 ни оғир кечираётган беморларни даволаш учун жуда муҳимдир, бунда маҳаллий иммунитетнинг амалдаги ҳолатини баҳолашда оғиз бўшлиғи интерферонлари – ИФН- $\alpha$ , ИФН- $\gamma$  ҳамда IgA кўрсаткичлари қайд қилинганлиги, вирусга қарши ҳимоя вазифасини бажарувчи асосий интерферонларнинг сўниш ҳолатлари аниқланиб, COVID-19 ўрта оғир ва ўта оғир кечаётган беморларнинг оғиз бўшлиғи маҳаллий имунитети ташхис қилинганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Коронавирус инфекциясида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати маҳаллий имунитети адаптив механизмини ўрганиш асосида:

коронавирус инфекциясига чалинган одамларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати имунитетини баҳолашга имкон берадиган «COVID-19 турлича кечган шахслар оғиз бўшлиғи маҳаллий мукозал имунитети лаборатор параметрларини таҳлил қилиш услуги» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 февралдаги №8н-р/168-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома COVID-19 турли даражаси билан касалланган одамларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати маҳаллий имунитет ҳолатининг лаборатория методикасини оптималлаштиришга имкон берган;

коронавирус инфекциясига чалинган беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини аниқлашга имкон берадиган «COVID-19 турлича кечган шахслар оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш услуги» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 февралдаги №8н-р/169-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома COVID-19 турли даражаси билан касалланган одамларда оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш услубини ишлаб чиқишга имкон берган;

коронавирус инфекциясида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида маҳаллий имунитет адаптив механизмини ўрганиш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 июндаги № 08-16054 хулосаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика анжуманида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 2 та фойдали моделга патентлар олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва субъектлари тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, экспертизадан ўтказиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**COVID-19 касаллигининг оғир ҳолатда кечишида маҳаллий оғиз бўшлиғи иммунитетининг ҳолати**» да адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи тақдим этилган. Мазкур қисмда маҳаллий ва тизимли иммунитет ҳолати тўғрисида замонавий қарашлар, шунингдек, COVID-19 да яллиғланиш касалликларининг ОБШҚ ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга клиник белгилар таърифланиб, оғиз бўшлиғининг иммун ва микробиологик ўзгаришлари фондида жараённинг танглай, милк, танглай бодомча безлари, кекирдэк, овқат ҳазм қилиш трактига тарқалиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Антибактериал воситалар, кортикостероидлар, антинеопластик препаратларни узоқ муддатли қўллаган, заифлашган шахслар, шунингдек иммунитет танқислиги ҳолатида бўлганлар беморлар алоҳида тавсифланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Текширилган беморларнинг хусусиятлари ва амалий тадқиқот усуллари**», клиник материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Ушбу диссертация иши учун клиник материаллар Тошкент туман 2-сон COVID-19 касаллигини даволашга ихтисослаштирилган шифохонасидан тўпланиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида иммунологик тадқиқотлар ўтказилган.

Вазифаларни бажариш учун беморларни босқичма-босқич текшириш ўтказилган. Буларга COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси



билан кассаланган беморлар ва COVID-19 касаллиги аниқланмаган назорат гуруҳи беморларида ОБШҚ ҳолатини ўрганишни ўз ичига олган.

Тегирилган беморлар COVID-19 нинг оғирлик даражасига қараб, 3 гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ - COVID-19 нинг ўртача оғир даражаси ( $n=53$ );

2-гуруҳ - COVID-19 нинг оғир даражаси, ( $n=43$ );

3-гуруҳ - соғлом, COVID-19 ташхисланмаганлар (назорат гуруҳи,  $n=22$ ).

Тегирилган беморларнинг жинс таҳлили - эркеклар 57 (48,3%) ва аёллар 61 (51,7%) нафар ( $P>0,05$ ). 1-гуруҳда эркеклар 24 (45,3%) ва аёллар 29 (54,7%) нафарни, 2-гуруҳда мос равишда эркеклар 23 (53,5%) ва аёллар 20 (46,5%) нафарни; 3-гуруҳда эркеклар 10 (45,4%) ва аёллар 12 (54,5%) нафарни ташкил этган.

Стоматологик тегириулар турли хил тиш индексларини ҳисоблаш ушбу патологиянинг оғирлиги ва эпидемик хавфсизлик чораларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда беморларни умумлаштирилган тегириш усуллари билан ўтказилган.

ИФА усули ёрдамида ИФН- $\alpha$  ва ИФН- $\gamma$  интерферонлари ҳамда ИЛ-1 $\beta$ , ЎНО- $\alpha$  цитокинлари, шунингдек оғиз суюқлигидаги иммунобиологик маркер - sIgA ни аниқлаш асосида иммунологик тадқиқотлар олиб борилган. Қон зардобидаги яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар - ЎНО- $\alpha$ , ИЛ-6 ва ИФН- $\alpha$ , ИФН- $\gamma$  интерферонлари миқдорлари ИФА усули ёрдамида аниқланган. Иккала ҳолатда ҳам «Вектор-Бест» МЧЖ (Новосибирск, Россия) тизимлари ишлатилган.

Синов тизимлари индикатор ферменти сифатида хрен пероксидаза ёрдамида қаттиқ фазали ИФА усулининг сендвич усулига асосланган. Ушбу синов тизимларидан фойдаланганда усулнинг сезгирилиги 2-30 пг/мл ни ташкил қилган.

Ушбу тадқиқот давомида олинган натижалар Windows 10 шахсий компютери ва Microsoft Office Excel-2010 дастурий пакети ёрдамида қайта ишланган. Тадқиқот материаллари параметрик ва параметрик бўлмаган таҳлил усуллари ёрдамида статистик ишлов берилган. Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва натижаларни визуализация қилиш орқали амалга оширилган. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 (IBM Corporation) дастури ёрдамида амалга оширилган.


Диссертациянинг учинчи боби «COVID-19 касаллигининг ўрта-оғир ва оғир даражаси билан кассаланган беморларнинг стоматологик тегириш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш» барча уч гуруҳдаги беморларнинг умумий хусусиятларига бағишланган.

Ушбу диссертация бўйича стоматологик тадқиқотлар ўтказиш учун қуйидаги тадқиқотлар ўтказилган - КПУ индекси (кариоз, пломбаланган ва олиб ташланган доимий тишлар йиғиндиси), гигиеник индекс (ГИ), РМА индекси (папилляр-маргинал-алвеоляр индекс), COVID-19 касаллигининг



ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган беморларда ва COVID-19 касаллиги аниқланмаган назорат гуруҳи беморларда ОБШҚ ҳолатини ўрганишни ўз ичига олган.

Маълумки, КПУ текширилган беморларда карияснинг оғирлиги ва интенсивлигини тавсифлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, КПУ индекси 2- гуруҳдаги COVID-19 нинг оғир даражаси билан касалланган 61-70 ёшдаги (24±0,41) беморларда энг юқори даражада эканлиги аниқланган (1-расм).



1-расм. COVID-19 нинг турли даражаси билан касалланган беморларда ва соғлом шахсларда КПУ индекси.

Нazorat гуруҳида ва COVID-19 нинг ўртача оғир даражаси билан касалланган 1-гуруҳ 61-70 ёшдаги беморларида гуруҳида бу кўрсаткич бир хил эканлиги аниқланган - (20±1,93) ва (20±1,93).

ГИ стоматологияда оғиз бўшлиғида турли хил доғлар ва тиш тошлари мавжудлигини баҳолайдиган кўрсаткич ҳисобланади. COVID-19 билан иккала гуруҳида оғиз гигиенаси 1-жадвалда келтирилган бўлиб, унинг қониқарсиз эканлиги исботланган. Шу билан бирга, кўп миқдорда тиш доғлари, милк усти ва милкости тиш тошлари мавжудлигини аниқланган. Оғиз гигиенасининг ёмон ривожланиши, оғиз микроорганизмлари мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин, деб тахмин қилиш мумкин.

1-жадвал

COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган беморларда гигиеник индекс қийёсий кўрсаткичлари,  $M \pm m$

Беморлар ёши	ГИ					
	1-гуруҳ, n=53		2- гуруҳ, n=43		3- гуруҳ, n=22	
	n	$M \pm m$	n	$M \pm m$	n	$M \pm m$
40 ёшгача	19	3,20±0,04*	3	3,60±0,10** x	2	1,29±0,34
41-50	18	3,30±0,15*	6	3,80±0,24** x	4	1,39±0,31
51-60	15	3,50±0,15**	7	4,50±0,38** x	8	1,42±0,37
61-70	1	3,60±0,20**	27	4,90±0,19** x	8	1,70±0,29
Жами	53	3,33±0,07**	43	3,79±0,78** x	22	1,46±0,18

Эслатма: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ишончилиги (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,001$ ); x - ўртача ва оғир даражадаги COVID-19 беморлари ўртасидаги фарқлар ишончилиги.

COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги (4,50±0,38) ва 61-70 ёшдаги (4,90±0,19) 2-гурух беморларида ГИ индекси жуда ёмон даражада эканлиги аниқланган. COVID-19 нинг ўртача даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги (3,50±0,15) ва 61-70 ёшдаги (3,60±0,20) 1-гурух беморларда ГИ индекси юқори эканлиги аниқланган, назорат гуруҳида эса энг юқори кўрсаткич 61-70 ёшдаги беморларда (1,70±0,29) бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, COVID-19 билан касалланган барча беморларда 100% ҳолларда парадонт касалликлари аниқланган. COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва беморнинг ёшига қараб, гингивит ва периодонтит ҳалатлари қайд этилган.

PMA индекси тиш ораси тилчаларининг яллиғланиши (P, 1 балл), милк четки қисмининг яллиғланиши (M, 2 балл) ва бириккан милк яллиғланишини (A, 3 балл) аниқлаш имконини берган. 2-жадвалдан кўришиб турибдики, COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги (62,00±1,73) ва 61-70 ёшдаги (72,00±1,29) 2-гурух беморларда PMA индекси қониқарсиз даражада эканлиги аниқланган.

2-жадвал


**COVID-19 касаллигининг ўрта-оғир ва оғир даражаси билан касалланган беморларда, ҳамда соғлом кишиларда PMA кўрсаткичлари, M±m%**

Беморлар ёши	ГИ					
	1-гурух, n=53		2- гурух, n=43		3- гурух, n=22	
	n	M±m	n	M±m	n	M±m
40 ёшгача	19	45,00±1,05**	3	54,00±1,73** x	2	25,00±3,30
41-50	18	50,00±1,11**	6	60,00±1,88** x	4	26,75±1,44
51-60	15	55,00±1,23**	7	62,00±1,73** x	8	29,70±0,54
61-70	1	55,00±0,00**	27	72,00±1,29** x	8	30,00±1,35
Жами	53	49,72±6,11**	43	58,7±11,28** x	22	28,84±0,67

Эслатма: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ишончлилиги (\* - P<0,05; \*\* - P<0,001); x - ўртача ва оғир даражадаги COVID-19 беморлари ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

COVID-19 ўртача даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги (55,00±1,23) ва 61-70 ёшдаги (55,00±0,00) 1-гурух беморларда PMA индекси юқори даражада эканлиги аниқланган, назорат гуруҳида 51-60 ёшдаги (29,70±0,54) 61-70 ёшдаги беморларда (30±1,35) эса бу кўрсаткич қониқарли даражада бўлган.

Ушбу кўрсаткичлар 2-расмда беморлар ва соғлом гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар борлигини аниқ кўрсатган (p<0,001), бундан ташқари, ўрганган беморларнинг иккала гуруҳи ўртасида сезиларли фарқлар борлиги аниқланган (p<0,001).



2-расм. COVID-19 нинг турли даражаси билан касалланган беморларда ва соғлом шахсларда PMA индекси қиёсий кўрсаткичлари.


Шундай қилиб, КПУ индексини баҳолашда, КПУ индекси COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 61-70 ёшдаги ( $4,90 \pm 0,19$ ) 2-гуруҳ беморларда энг юқори даражада эканлиги аниқланган. Назорат гуруҳида ва COVID-19 нинг ўртача оғир даражаси билан касалланган 1-гуруҳ 61-70 ёшдаги беморлари гуруҳида бу кўрсаткич бир хил даражада эканлиги аниқланган. COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 2-гуруҳ беморларда тиш йўқлиги ва протез кийганлиги сабабли, кўрсаткич юқори бўлган. GI индекси COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 51-60 ва 61-70 ёшдаги 2-гуруҳ беморларда жуда қониқарсиз даражада эканлиги аниқланган. COVID-19 ўртача даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги ва 61-70 ёшдаги 1-гуруҳ беморларда GI индекси юқори эканлиги аниқланган, назорат гуруҳида эса энг юқори кўрсаткич 61-70 ёшдаги беморларда бўлган. COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги ва 61-70 ёшдаги 2-гуруҳ беморларда PMA индекси қониқарсиз даражада эканлиги аниқланган. COVID-19 ўрта даражаси билан касалланган 51-60 ёшдаги ва 61-70 ёшдаги 1-гуруҳ беморларда PMA индекси юқори ва бир хил даражада эканлиги аниқланган, назорат гуруҳида 51-60 ёшдаги ва 61-70 ёшдаги беморларда эса бу кўрсаткич қониқарли даражада бўлиб, бу назорат гуруҳида яллиғланиш жараёнининг йўқлигини кўрсатган.

ОБШҚ ҳолатини баҳолашда беморларнинг маълум бир қисми ёқимсиз, ёмон нафасни қайд етганлиги аниқланиб, бундай шикоятлар таъм ва ҳид билиш сезгирлиги бузилганлиги сабабли юзага келганлиги эҳтимол қилинган. Маълумки, COVID-19 таъм ва ҳид сезгирлигининг вақтинча бузилишига олиб келади. Барча беморлар соғайишидан кейин турли вақтларда таъмининг тикланишини қайд етишган, аммо, беморларнинг 25,0% и соғайишидан кейин ҳиднинг пасайиши ҳақида хабар беришган. Беморларнинг барча гуруҳларида ҳақиқий физиологик ва патологик галитоз бор эканлиги аниқланган. Эркакларда галитоз аёлларга қараганда камроқ тарқалган бўлган (3-расм).



3-расм. COVID-19 нинг турли даражаси билан касалланган бемор ва соғлом шахсларда галитознинг қиёсий кўрсаткичлари, %.

COVID-19 нинг ўртача оғир даражаси билан касалланган беморларда галитоз кўпинча 41-50 ёшларда ( $15,09 \pm 4,9\%$ ), оғир даражаси билан касалланган беморларда эса 61-70 ёшда ( $53,49 \pm 7,61\%$ ) учраган. Назорат гуруҳида галитоз билан касалланиш деярли 1-гуруҳ даражасида бўлиб, 51-60 ёшдаги ва 61-70 ёшдаги шахсларда  $18,18 \pm 8,22\%$  ни ташкил қилган. Кўришиб турибдики, ушбу тоифадаги беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолашда ушбу кўрсаткич ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас.



4-расм. COVID-19 нинг турли даражаси билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи кандидозининг қиёсий кўрсаткичлари, %.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 40 ёшгача бўлган 1-гуруҳ беморларда оғиз бўшлиғи кандидози кузатилмаган, аммо 41-50 ёшда касалланиш учраши фоизи  $17,0\%$  га кўтарилиб, ёш ошиши билан бу кўрсаткич пасайиши аниқланган - 51-60 ёшдаги беморларда  $9,4\%$  ва 61-70 ёшдаги беморларда  $1,9\%$  ташкил қилган (4-расм). COVID-19 оғир даражаси билан касалланган 40 ёшгача бўлган 2-гуруҳ беморларда оғиз бўшлиғи кандидози  $2,3\%$  ни ташкил этган, аммо, 1-гуруҳдан фаркли равишда, ушбу кўрсаткич ёшга қараб ўсишга мойиллиги аниқланган - 41-50 ёшдаги беморларда  $11,6\%$ , 51-60 ёшдаги беморларда  $11,6\%$  ва 61-70 ёшдаги беморларда  $46,5\%$ . Шуниси аҳамиятлики,



назорат гуруҳида ҳар қандай ҳолатда ҳам оғиз бўшлиғи кандидози аниқланмаган.

Оғиз бўшлиғи галитози ва кандидозидан ташқари, текширилган деярли ҳар иккинчи бемор (52,1%) ёноқларида яралар пайдо бўлиши қайд этилган, бундан ташқари, беморларнинг 1/3 қисмидан кўпроғида (36,5%) тил ва лаблар шиллик каватида яралар мавжуд эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, беморлар суҳбат пайтида оғрик, чайнаш, ютиш ва овқатланиш пайтида шикоят мавжудлигини айтиб ўтганлар. Шундай шикоятлар туфайли, беморларда иштаҳанинг пасайиши, тана вазнининг йўқолиши қайд этилган, баъзилари овқат пайтида қаттиқ оғрик туфайли умуман овқатланишдан бош тортганлиги аниқланган. Беморларни текширишда тил папилалари атрофияси (32,3%), тил соҳасидаги оқ ёпишқоқ доғлар мавжудлиги (37,5%), шунингдек, тилнинг орқа ва учида ёриқлар ва гиперемия (28,1%) борлиги аниқланган.

Маълумки, COVID-19 билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғида қуриб қолиш шикоятлари (ксеростомия) борлиги сабабли бу кўрсаткич ушбу тоифадаги беморларда ўрганилган.

Натижалар шунини кўрсатдики, ксеротомия 2-гуруҳ беморларида 1-гуруҳ беморларига қараганда анча кенг тарқалган бўлиб, мос равишда  $32,08 \pm 6,41\%$ ,  $58,14 \pm 7,52\%$  ни ташкил қилган ( $P < 0,05$ ). Шуниси эътиборга лойиқки, 3-гуруҳ шахсларида ксеростомия аниқланмаган (0%). Беморларда ксеротомия туфайли, лабларда ва тилда ёриқлар пайдо бўлиши аниқланган.

Бирок, натижалар шунини кўрсатдики, улар кўпчилик ҳолларда беморларда аниқланмаган ва ушбу тоифадаги беморларда оғиз бўшлиғининг ҳолатини баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда таққосланган гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар топилмаган. Бу COVID-19 билан касалланган беморларда ЮБШҚ касалланишининг касаллик пайтида ҳал қилувчи омил эмаслиги ва оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолашнинг клиник кўрсаткичлари бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келинишига имкон берган. COVID-19 да оғиз бўшлиғи ҳолатини стоматологик баҳолаш учун тиш индекслари - ГИ ва РМА дан фойдаланиш тавсия этилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**COVID-19 касаллигининг ўртача оғир ва оғир даражаси билан касалланган беморлар иммунореактивлик ҳолати**» тизимли ва маҳаллий иммунитетни ўрганиш асосида беморларнинг иммунитет ҳолатини таҳлил қилиш натижаларига бағишланган.

Маълумки, COVID-19 билан боғлиқ оғиз белгилари ва аломатларига таъм бузилиши, ўзига хос бўлмаган оғиз яралари, дескватив гингивит, петехия ва коинфекциялар, галитоз, кандидоз ва бошқалар киради. Шу муносабат билан COVID-19 бўлган беморларда оғиз бўшлиғи адаптив маҳаллий иммунитетни бузилишини ўрганиш, натижаларини баҳолаш, шунингдек асосий яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши қондаги цитокинларни ўрганиш билан тизимли иммунитет ҳолатини баҳолаш муҳимдир. Маълумки, COVID-19 ривожланишининг асосий механизми иммунологик механизмлар бўлиб, улар COVID-19 ривожланишида асосий

ўринлардан бирини эгаллайди. Шундай қилиб, шиллик қават иммун тизими инфекциядан химоя қилиш учун ривожланган бутун иммунитет тизимининг энг катта таркибий қисмидир.

Дастлаб, COVID-19 нинг ўртача ва оғир даражаси билан касалланган беморларда маҳаллий иммунитетнинг адаптив механизмлари бузилишини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, оғиз суюқлигида маҳаллий иммунитет гуморал омилларининг концентрацияси, инфекцияга қарши химоянинг каскадли ривожланишида химоя функциясини бажарувчи ва вирусли антигенларни инактивация қилиш ва йўқ қилиш учун гуморал маҳаллий иммунитетини ишга тушурувчи sIgA ўрганилган.

3-жадвалда тадқиқот натижалари келтирилган. Назорат гуруҳи оғиз суюқлигидаги sIgA миқдори  $12,45 \pm 0,41$  г/л га тенг эканлиги маълум бўлган COVID-19 нинг ўртача даражаси билан касалланган беморларда бу кўрсаткич  $5,42 \pm 1,5$  г/л ни ташкил қилган. COVID-19 нинг оғир даражаси билан касалланган беморларда бу кўрсаткич  $1,22 \pm 0,11$  г/л ни ташкил қилиб, иккала тадқиқот гуруҳида ҳам сезиларли даражада камайганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, ўртача оғирликдаги беморлар гуруҳида sIgA даражаси назорат қийматларига нисбатан 2,3 барабар, оғир беморлар гуруҳида эса 10 барабар камайганлиги маълум бўлган. Бинобарин, COVID-19 нинг оғир даражаси билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғидаги sIgA нинг энг паст миқдори кузатилган ( $p < 0,05$ ).

### 3-жадвал

#### COVID-19 нинг турли даражаси билан касалланган беморларнинг оғиз бўшлиғида асосий гуморал омиллар миқдори, $M \pm m$

Ўрганилган гуруҳлар	ИФН- $\alpha$ , нг/мл	sIgA, г/л	ИЛ-1 $\beta$ , нг/мл	ЎНО- $\alpha$ , нг/мл
1-гуруҳ, n=53	$14,7 \pm 2,13^*$	$5,42 \pm 1,5^*$	$6,7 \pm 0,32^*$	$6,52 \pm 1,24^*$
2- гуруҳ, n=43	$3,36 \pm 0,82^* \wedge$	$1,22 \pm 0,11^* \wedge$	$8,75 \pm 2,2^*$	$11,7 \pm 2,6^* \wedge$
3- гуруҳ, n=22	$24,27 \pm 1,50$	$12,45 \pm 0,41$	$3,22 \pm 1,65$	$2,36 \pm 1,14$

Эслатма: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ишончлилиги  $\wedge$  - ўрганилган гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

